

АРХЕОЛОГИК ТОПИЛМАЛАРНИ РЕСТАВРАЦИЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

А.Холматов СамДУ магистранти)
Б.Эргашев (СамДУ доценти)

Археологик реставрация амалиёти дала ёки лабораторияда ўтказилишидан қатъий назар, барибир археологик изланишларнинг бир қисми ҳисобланади. Реставрациянинг асосий вазифаси археологик топилмаларни сақлаб қолиш ва шаклини тиклашдан иборат. Реставрация қилиб бўлинган материални консервациялаш (қотириш) уни вақт ўтиши билан емирилиш ва бузилишдан сақлайди.

Мамлакатимизда археологик ёдгорликларда олиб бориладиган қазилмалар сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу каби ишлар албатта замонавий ва илмий талабларга жавоб берадиган даражада олиб борилиши шарт. Техник томондан маҳорат билан килинган реставрация кўпгина археологик топилмаларни тўлиқ тиклаш ва келгусидаги ўрганилиши учун сақлашга хизмат қилади. Шунинг таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунга келиб ҳам реставрация даражаси баъзи бир экспедиция ва музейларда талабга жавоб берадиган мутахассислар иш олиб бормоқда.

Фақатгина Археология институтда ва марказий музейларда махсус лабораторияларда олиб борилган реставрация ва консервация ишлари илмий талабларга жавоб беради. Яқин ўтмишда темир, мис, мисли қоришмалар ва бошқа металллар шаклини чиқариш учун юзасидаги занг қатламларини тозалаш билан эришилди. Ҳозирги кунга келиб археологик материалларнинг реставрацияси масаласига анчайин жиддий талаблар қўйилмоқда. Реставрация амалиётида археологик материалларни тозалаш ва ишлов беришнинг физик, химик, биологик илмларга таянган ҳолда янгидан-янги усуллари қўлланилмоқда. Мисол учун қадимги тангаларни тозалаш учун вибрацион усул, темир, мис ва мис қоришмалар учун ёритгич тармоғида ишловчи махсус ўрнатилган электрохимик ускуналардан фойдаланилади. Юпқа металл предметларни мустаҳкамлаш учун электролитик усул ўтказилади, баъзида улардан нусха олинади.

Синтетик смола билан ишланувчи археологик топилмалар реставрация си йилдан-йилга ривожланмоқда. Юпқа, нозик предметларни (ёғоч, металл ва б.) мустаҳкамлаш синтетик смола ёрдамида вакуумли ўрнатмаларда амалга оширилади¹.

Дала шароитида реставрация ишлари

Археологик ёдгорликлар қазилмалари вақтида археологларнинг асосий вазифаси топилма материалларни йиғиш, сақлаш ва топилмаларни музей фонларига топшириш ҳисобланади. Бунда материални ердан тўғри олиш,

¹ М.К.Никитин, Мельникова Е.П «Химия в Реставрация» М: 1990 стр 6-10

зарур ҳолларда бузилиб кетмаслиги учун махсус ускуналарни қўллаш керак бўлади. Асосан бу қўл текканда майдаланиб кетувчи (суяк, ёғоч, металл, мато ва бош.) топилмалар учун жуда ҳам керак.

Топилманинг кейинги реставрацияларда сифатли чиқиши айнан унинг ердан тўғри олиниши ва вақтинчалик консервация ва фиксациянинг тўғри қилинганлигига боғлиқ.

Шунингдек дала ишлари таркибига химик, ботаник, астеологик ва бошқа турдаги анализлар учун материал тўплаш киради. Булар майдаланган, бузилиб кетаётган предмет қолдиқлари ёки органик ва ноорганик материаллардир.

Археологик материалларни ердан қазиб олиш. Сопол

Археологик қазилма ишларида ҳар доим қадимги сопол идишлар бўлаклари, баъзида эса бутун ҳолда сақланган даражаси турли хиллигини учратамиз. Бу унинг пишириш сифати, сопол лойининг таркиби, сопол ётган ернинг намлиги ва шўрхоклигига боғлиқ. Яхши пиширилган сопол яхши сақланади ва уни майдаланиб кетишдан қўрқмасдан олиш мумкин. Ердан олинган сополни фанера ёки каттиқ қоғоз юзасига қўйилиб очик ҳавода, сояда қурилади. Яхши сақланган сополни лаборатория ёки музейларга олиб бормасдан экспедиция дала шароитидаёқ тозалаш мақсадга мувофиқ.

Сифатсиз пиширилган сопол одатда ёпишқоқ ва тез синувчан бўлади. Бундай сополни жудаям эҳтиёткорлик билан олиш талаб қилинади. Ердан олинган бундай сополни устига қоғоз ёпган ҳолда очик ҳавода қуришти керак. Қуригач у анча мустаҳкамроқ бўлади ва кейин майин мўйқалам ёки шётка билан ёпишган лойлардан тозалаш мумкин.

Жанубий вилоятларда жойлашган ёдгорликлардаги кам пиширилган сополлар одатда ернинг тузлари билан тўйинган бўлади. Бундай сополни тез қуришдан сақлаш лозим. Акс ҳолда сополдаги тузларнинг кристаллашувига олиб келади. Бу эса сополнинг бузилишига олиб келади. Бундай ҳолларда намликни буғланиб кетишдан сақлаб қолиш талаб этилади.

О.И.Домбровский бундай сополни ердан олиб юзасида давомий намликни сақлаш усулини қўллаган. Яъни, сопол юзасига калийли соданинг глицерин ва спирт, антисептик вазифасини бажарувчи озгина тимол қўшилган 5 % лик эритмаси билан шимдирилган пахта бўлаги қўйилади. Пахта сопол ичидаги намликни буғланишини олдини олади ва сополни қуришдан сақлайди. Ёпиштирилган пахта қуригач мустаҳкам қобик ҳосил қилиб ердан олинганда сополнинг бузилмаслигини таъминлайди².

Қалин кулранг ишқор қоплаган сополлар ҳам учрайди. Уларни дала шароитида ювиб тозаланади.

² Кирянов Н "реставрация археологических предметов" М: 1976 стр 10-11

ADABIYOTLAR:

1. М.К.Никитин, Е.П.Мельникова “Химия в реставрации” М: 1990 г
2. Кирянов Н “реставрация археологических предметов” М: 1976г
3. Зернова А. Б. Организация систему хранения музейнўх предметов-памятников материальной и духовной культуру. Актульнуе проблему фондовой работу музеев. М., 1978.
4. Музееведение. Музей исторического профиля. М., 1988.
5. Sodiqova. N. Madaniy merosimiz. Xazinası. T., 1981.
5. “Muzey xalq tarixining ko’zgusi” T:2012y